

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2024 йил октябрь ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди биносига, очиқ суд мажлисига бўлиб,

Раислик этувчи: М.Ғофуров,

судья ёрдамчиси Н.Жумабоевани котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи С.Ҳакимов, судланувчини ҳимоячиси адвокат И.Носиржонов, фуқаровий даъвогар Ш.Қаюмовни иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан Абдуллажонов Озодбек Зокиржон ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2402/341-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Абдуллажонов Озодбек Зокиржон ўғли - 1997 йил 12 март куни Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, ишламайди, давлат мукофотлари олмаган, депутат бўлиб сайланмаган, муқаддам судланмаган, Фарғона туман Лангар МФЙ Сухмозор кўчаси 13-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида сиртдан қамоқ қўлланилиб, 2024 йил 14 июль куни Тошкент шаҳрида ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 19 август куни олган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарни кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ҳар томонлама, атрофлича, тўла холисона текшириб чиқиб ва баҳолаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи О.Абдуллажонов 2022 йил июнь ойида Фарғона туман “Зилол” МФЙ ҳудудидаги “Чимён шухрати” номли фермер хўжалигига қарашли “Фар Чимён қорасув” массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 142к контурида жойлашган тупроқ унумдорлиги 80 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонининг 300,0 кв.м қисмини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 77,00 кв.м майдонига 3 хонадан иборат иморат куриб, ер майдонини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариб, фермер хўжалиги манфаатларига 34 301 169 сўм зарар етказган.

Инспекциянинг Фарғона вилоят бошқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишини назорат қилиш бўлимининг 12.03.2024 йилдаги хулосасига кўра, “Фар Чимён қорасув” массиви ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 142к-сонли кунтурдаги 80 балл бонитетли суғориладиган экин майдонининг жами 300,0 кв.м ер майдонини фуқаро О.Абдуллажонов томонидан ҳуқуқий ҳужжатларсиз ўзбошимчалик билан эгалланиб, 77,00 кв.м қисмига иморат куриб олиши натижасида



0,03 гектар ер майдони қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилиб, давлат манфаатларига 34 301 169 сўм миқдорда зарар етказилганлиги кўрсатилган.

Судланувчи О.Абдуллажонов судда эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил июнь ойида яшаш уйининг орқа томонида жойлашган “Чимён Шухрати” номли фермер хўжалигига қарашли ернинг ўзининг уйи билан туташ қисмидаги жойга тахминан 3 сотих ерни атрофини ўраб, ушбу жойга акаси Ойбек учун 2 та хонадан иборат уй қурганлигини, ушбу уйга акасининг нарсаларини кўчириб яшаш уйи қилиб берганлигини, сабаби ўзи шу уйга уйланмоқчи бўлганлигини, ушбу ҳолат мутахассислар томонидан ўтказилган текширишда аниқланиб, ўзбошимчалик билан амалга оширилган деб топилганлигини ва 34 301 169 сўм зарар чиқарилганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, тегишли хулоса чиқарганлигини, етказилган моддий зарардан даъвогар воз кечганлигини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Ш.Қаюмов судда, ҳақиқатдан ҳам 2012 йилда Фарғона туман Зилол МФЙ ҳудудида мавжуд бўлган умумий ер майдони 52 гектар ер майдонида “Чимён шухрати” номли фермер хўжалиги ташкил этганлигини, 2022 йил тахминан июнь ойида фермер хўжалигининг 142к-контуридаги ҳудудда жами 300,0 кв.м қисмини О.Абдуллажонов ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу ноқонуний эгаллаб олинган ер майдонининг 77,00 кв.м майдонига ўзи учун яшаш уйи қуриб олганлигини, унга қурилиш ишларини бошлаган вақтида қурилиш қилмаслиги бўйича бир неча маротаба огоҳлантиришига қарамасдан у қурилиш ишларини давом эттирганлигини, кейин ушбу ҳолатлар мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилиб, О.Абдуллажонов томонидан ер майдони қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилиб, 34 301 169 сўм зарар етказганлиги аниқланганлиги, ҳозира О.Абдуллажонов томонидан етказилган моддий зарардан воз кечганлигини, унга нисбатан даъвоси мавжуд эмаслигини, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи О.Абдуллажоновни айби эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари фуқаровий даъвогар, гувоҳларни дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, иш бўйича тузилган маълумотнома ва далолатномалар, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, мутахассис хулосаси, тушунтириш хатлари ҳамда судда текширилган ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи О.Абдуллажоновни суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 229¹-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарори 6-бандида, судлар Конституциянинг



20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят кодекси махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги;

38-бандида, Жиноят кодексининг 57-моддасида белгиланган қоидага кўра, ушбу кодекс Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган ҳар қандай енгилроқ асосий жазо тури, жумладан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш каби жазолар ЖК 44-49-моддаларига риоя қилинган ҳолда тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи О.Абдуллажоновга нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, муқаддам судланмаганлигини, жиноят қилиш шароити ва сабабларини, хулқ-атворини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, гарчи Фарғона туман прокуратураси даъво аризасида давлат манфаатларига етказилган зарарни ундириш сўралган бўлсада жиноят ишига фуқаровий даъвогар сифатида “Чимён Шухрати” номли фермер хўжалиги раҳбари Ш.Қаюмов жалб этилганлигини, иш ҳужжатлари бўйича ҳам фермер хўжалигига узоқ муддатга ажара берилган ер майдони судланувчи томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб



олинганлигини инобатга олиб, суд, моддий зарар давлатга эмас фермер хўжалигига етказилган деб топишни ва жиноят натижасида етказилган моддий зарардан фуқаровий даъвогар воз кечганлиги сабабли Фарғона туман прокуратураси даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Абдуллажонов Озодбек Зокиржон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Абдуллажонов Озодбек Зокиржон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақини 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, О.Абдуллажонов 2024 йил 14 июль кунидан 2024 йил 18 октябрь кунига қадар қамоқда сақланган 94 кунни ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштириб ҳисоблаб, жазони 9 (тўққиз) ой 12 (ўн икки) кунини ўталган деб ҳисоблаб чегириб ташлансин ва ўташ учун 2 (икки) йил 2 (икки) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо уни ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Абдуллажонов Озодбек Зокиржон ўғлига нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарардан фуқаровий даъвогар Ш.Қаюмов воз кечганлиги сабабли Фарғона туман прокуратураси даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

М.Ғофуров

нусхаси аслига тўғри;

